

ГЎЗАЛЛИК ГЎШАСИДА-
ГИ БУНЁДКОРЛИКЛАР
ёхуд Наманган вилоя-
ти хотин-қизлари фео-
лиятига оид айрим
кузатувлар



3

Александр БЕКЧАНОВ,
Ўзбекистон Республикасида хиз-
мат кўрсатган артист:

ИНСОН ҲАЁТ
ИМТИҲОНЛАРИДА
ТАРБИЯЛАНАДИ

4



5

**ЯГОНАСАН, МУҚАДДАС ВАТАНИМ, СЕВГИ ВА
САДОҚАТИМ СЕНГА БАХШИДА, ГЎЗАЛ ЎЗБЕКИСТОНИМ!**



Назира БОЙМУРОДОВА
сурат-лавҳаси.

Фарзандлар соғлиги — кўнгил хотиржамлиги



Индекс — 176

“Оила ва жамият”
газетасини ўз оиласининг яна бир
ҳақиқий аззоси сифатида қадр-
лаб, биз билан ҳамфикр, ҳаммас-
лак бўлиб келаятган
муҳтарам муштарийлар!
Унутманг, сеvimли газетангизга
обуна давом этмоқда!



ҲИКМАТ

Энг катта хато
одам ўзини ҳам-
ма нарсада бе-
нуқсон деб били-
шидир.

Карлейл

ФИДОЙЛИК, ИРОДА ВА МАҲОРАТ САМАРАСИ

Мамлакатимизда спортнинг аёлларга хос нафис турларини ривожлантириш, хотин-қизларнинг саломатлигини асраб-авайлаш, уларнинг жисмоний тарбия ва спорт билан шуғулланиши учун зарур шароит ва имкониятлар яратиш масаласига устувор вазифа сифатида эътибор қаратилаётгани боис нуфузли халқаро мусобақалар, Осиё ва жаҳон чемпионатларида иштирок этиб, ғолиб ва совриндор бўлаётган спортчиларимиз орасида хотин-қизларнинг сафи тобора кенгайиб бормоқда.

2014 йилнинг 19 сентябрь – 4 октябрь кунлари Жанубий Кореянинг Инчеон шаҳрида ўтказилган XVII Осиё ўйинларидан ҳам спортчиларимиз юксак галабалар билан қайтишди.

Ўзбекистон Хотин-қизлар кўмитасида мазкур халқаро мусобақада юксак натижаларни кўлга қиритиб қайтган спортчи қизлар иштирокида учрашув бўлиб ўтди. Хотин-қизлар кўмиталари фаоллари, Зулфия номидаги Давлат мукофотининг совриндорлари, спортчи қизларнинг мураббийлари ҳамда талабалар иштирок этган мазкур тадбирда Осиё ўйинлари совриндорларининг ютуқлари алоҳида эътиборга эътибор берилди.

Тадбирда сўзга чиққанлар мамлакатимизда хотин-қизлар ўртакда спортни оммалашти-

риш борасида олиб борилаётган ишлар юксак самара бераётганини алоҳида таъкидлаб ўтишди. Президентимизнинг «Қишлоқ жойлардаги болалар спорт объектиларида банд бўлган аёл спорт устозлари меҳнатини рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги, «Бадий гимнастика бўйича болалар-ўсмирлар ихтисослаштирилган республика олимпия захираси спорт мактабини ташкил этиш тўғрисида»ги қарорлари бу борада олиб борилаётган ишлар кўламини янада кенгайтириш ва самарадорлигини оширишда муҳим аҳамият касб этмоқда.

Шунингдек, мамлакатимизда спортнинг аёлларга хос нафис турлари жадал ривожланаётгани Инчеонда бўлиб ўтган Осиё ўйинлари-

да яна бир қарра ўз тасдиғини топди. Бадий гимнастикачиларимиз Жамила Раҳматова, Разила Фархутдинова, Валерия Давидова ва Анастасия Сердюковадан иборат миллий терма жамоамиз Осиё ўйинларининг олтин медалини кўлга қиритди. Енгил атлетиканинг баландликка сакраш баҳсларида Светлана Радзивил энг юқори натижа кўрсатиб, фаолияти давомиде кетма-кет иккинчи бор Осиё ўйинлари ғолибига айланди. Еттикураш баҳсларида Екатерина Воронина рақибларини доғда қолдириб, шохсупанинг юқори поғонасидан жой олди. Спорт гимнастикаси устаси Оксана Чусовитина, қарат баҳсларида Барно Мирзаева, енгил атлетика беллашуварлари Александра Котлярова, Юлия Тарасова, Надежда Дўсанова, оғир атлетика мусобақасида Маҳлиё Тогаева совриндорлар сафидан жой олди.

— Спорт билан шуғулланишимиз учун яратилаётган имкониятлар ҳамда мамлакатимизда хотин-қизлар спортини ривожлантиришга

қаратилаётган улкан эътибор туфайли нуфузли халқаро мусобақаларда юксак натижаларга эришяпмиз, — дейди икки қарра Осиё ўйинлари ғолиби, Осиё ўйинлари рекордчиси Светлана Радзивил. — Фурсаддан фойдаланиб, биз спортчиларга доимо катта ишонч билдирадиган халқимиз, Президентимизга ўз миннатдорчилигимни изҳор этаман.

Тадбирда спортчи қизларнинг ютуқларини эътироф этиш билан бирга, уларнинг маънавий қиёфаси, камтарлиги, меҳнатсеварлиги, иродаси, мақсад сари дадил интилиши, фидойлиги каби шахсий фазилатларини тенгдошлари ҳамда ўқувчи ва талаба қизлар ўртасида кенг тарғиб этишга алоҳида эътибор қаратиш муҳимлиги таъкидлаб ўтилди.

Спортчи қизлар ва уларнинг мураббийларига Ўзбекистон Хотин-қизлар кўмитасининг махсус эсдалик совгалари топширилди.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари, Республика Хотин-қизлар кўмитаси раиси Элмира Боситхонова сўзга чиқди.

Ўз мухбиримиз.

Тадбир

АЁЛЛАР УЧУН ЯНА БИР ҚУЛАЙЛИК

Тошкент вилояти хотин-қизлар кўмитаси ҳамда «Маҳалла» хайрия жамоат фонди вилоят бўлими бошқарувининг қўшма қарори асосида «Аёллар маслаҳат маркази» иш бошлади.

Марказнинг очилиш маросимида таълим, тиббиёт соҳалари, ҳуқуқ-тартибот идоралари ҳамда бир қатор ташкилотлар вакиллари, вилоятнинг фаол хотин-қизлари ва оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этди.

Тадбирда сўзга чиққанлар мамлакатимизда хотин-қизларнинг оила ва жамиятдаги мавқенини мустаҳкамлаш, саломатлигини, ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш борасида кўрсатилаётган эътибор ва ғамхўрликлар бугунги кунда юксак самара бераётганини алоҳида таъкидлаб ўтдилар.

Тошкент вилояти Ўрта-чирик туманидаги «Кумовул» қишлоқ фуқаролар йиғинида жойлашган вилоят «Маънавият ва маърифат маркази»да иш бошлаган мазкур марказда хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш, иқтисодий билимларини мустаҳкамлаш, тиббий саводхонлигини юксалтириш билан бирга, уларнинг ижтимоий-маданий ҳаётда тўлақонли иштирокини таъминлашга кўмаклашилади, уларга амалий ёрдам кўрсатилади ва зарур тавсиялар берилади.

— Маслаҳат марказида аёлларни ҳафтанинг маълум кунларида махсус жадвал асосида психолог, шифокор, ҳуқуқшунос каби мутахассислар қабул қилади ва уларни қизиқтирган саволлар бўйича зарур тавсияларни беради. Мазкур «Аёллар маслаҳат маркази» хотин-қизларга бепул хизмат кўрсатади, — дейди вилоят хотин-қизлар кўмитасининг котибият mudiri Насиба Кулбекова.

«Аёллар маслаҳат маркази»нинг очилиш маросимида Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари, Республика Хотин-қизлар кўмитаси раиси Элмира Боситхонова сўзга чиқди.

Мадина
АЛЛАБЕРГАНОВА,
«Оила ва жамият»
мухбири.

ҲАР БАРМОҒИДА БИР ҲУНАР

Орамиздаги одамлар

Фотима Назарова асли Қорақалпоғистоннинг Тахياتошидан. Самарқанд давлат архитектура қурилиш институтида таҳсил олаётган кезлари кўрсоди Холбой билан танишиб, сеvgи ришталари боғланди ва Оролбўйидан Фаллаоролга келин бўлиб тушди. Истарали, самимий ва ширинсухан Фотима узоқ йиллар қурувчилик соҳасида ишлади.

— Эндигина келин бўлганимда раҳматли қайнона ва қайнотам мени бошларига кўтаргудек иззатлашар, кўнглимга қарашарди, — дея хотирлайди Фотима опа. — Уларнинг ибратли панд-насихатлари, йўл-йўриқлари мен учун катта мактаб вазифасини ўтади. Турмуш ўртоғим билан бирга эл хизматида бўлдик. Тўрт қиз ва бир ўғилни тарбиялашда қайнона-қайнотамнинг ҳам ҳиссалари катта, барибир ёши улугларнинг тажрибаси асқотар экан. Худога шукр, фарзандларимиз ҳам ақлли, ўзлари танлаган соҳаларда ишлашпти. Камолжон тадбиркор, Феруза академик лицей муаллимаси, Саодат ва Моҳичеҳра инглиз тили муаллималари. Гулчеҳра кизимиз эса Самарқанд давлат тиббиёт институтини битирган, шифокор. Бугун биз энг бахтли бобо-бувиларимиз деб макташига ҳақлимиз. Чунки бир этак шириндан-шакар неваралар бағримизни тўлдириб юрибди.



Фотима опанинг айтишича, 95 ёшида дунёдан ўтган онаси Моҳира момодан қуроқчилик санъатини ўрганган экан. Ўзи нафақага чиққач, ана шу нодир ҳунар билан астойдил шуғуллана бошлади. Миллий қуроқчилик санъатининг бетақрор намуналарини тикиб, фарзандлари, танишлари, дўсту биродарларига совға сифатида улашади. Опанинг хонадониде бўлганимизда бири биридан чиройли кўрпачаларни, дастурхонларни, ёстиқ жилдларини кўриб, ҳавасимиз келди.

— Қуроқ буюмларни аввалги замонларда момоларимиз икки ёш бир-бировига чамбарчас боғланиб, қурашиб юрсин деган ниятда тикарди, — дейди Фотима опа қулиб. — Бугун мен ҳам болаларим, неварачевараларим жипслашиб юраверсин, деган ниятда билганимча тайёрлапман.

Фотима опага ўхшаган ҳар бармоғидан бир ҳунар тўқиладиган маърифатли онажонларимизга асло кўз тегмасин. Улар борки, кўнгилар мунаввар, хонадонларимиз обод ва барокатлидир.

Норинисо ҚОСИМОВА,
«Оила ва жамият» мухбири.
Жиззах вилояти.

ЎЗИГА ХОС МИЛЛИЙ ТИЗИМ

Бола ҳуқуқлари

«Вояга етмаганлар, меҳнатга лаёқатсизлар ва ёлғиз кексаларнинг ҳуқуқлари давлат ҳимоясидадир».

(Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 45-моддаси).

Маълумки, ҳар бир давлатнинг демократик тамойилларини белгиловчи энг асосий мезонларидан бири, шубҳасиз, инсон ҳуқуқлари билан боғлиқдир. Шу маънода, эътироф этиш керакки, халқаро ҳуқуқ нормаларига биноан жисмоний ҳамда руҳий жиҳатдан камолотга етмаган, жиддий эътибор ва ҳимояга муҳтож болаларга

бугунги кунда бутун дунё миқёсида алоҳида ғамхўрлик кўрсатилаётгани бежиз эмас.

Дарвоқе, сўз бола ҳуқуқларининг халқаро-ҳуқуқий асослари ҳақида бораркан, бу борада 1989 йил 20 ноябрда қабул қилинган БМТнинг асосий шартномаларидан бири — «Бола ҳуқуқлари тўғрисида»ги Конвенцияни тилга олиш жоиз. Ҳозирги кунда Ўзбекистон БМТнинг инсон ҳуқуқлари оид 6 та асосий ва 70 дан ортиқ унитар-версал ва минтақавий шартномаларини тан олган. Мамлакатимизнинг 1992 йилда «Бола ҳуқуқлари тўғрисида»ги Конвенцияга қўшилиши бола ҳуқуқлари оид давлат

сиёсатининг устувор йўналишларини белгилашда муҳим омил бўлиб хизмат қилмоқда.

Шу ўринда қайд этиш керакки, республикамизда истиклолнинг илк йиллариданок бола ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тизимини босқичма-босқич ислоҳ этиш жараёни изчил амалга оширилди. Яъни бола ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини таъминлаш, бола ҳаёти ва соғлиғини муҳофаза қилиш, уларнинг камситилиши, шаъни ва қадр-қимматини топталишига йўл қўймаслик каби жиддий қондалар қонунчиликда белгиланди. Айниқса, 2008 йил

7 январда қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг «Бола ҳуқуқларининг қондалари тўғрисида»ги Қонуни бу борада тарихий ҳужжат бўлди. Мазкур Қонунда етим, ижтимоий ҳимояга муҳтож, ноғирон болаларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатлари ҳар томонлама белгилаб берилди.

Бир сўз билан айтганда, Ўзбекистонда бола ҳуқуқлари ва манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича ўзига хос миллий ҳуқуқий тизим шаклланишига йўл ойнади. Улуғбек БЕКБОЕВ,
Тошкент вилояти
Зангиота тумани 9-сонли
ДНИ нотариуси.

ГЎЗАЛИК ГЎШАСИДАГИ БУНЁДКОРЛИКЛАР

Эътироф

ёхуд Наманган вилояти хотин-қизлари фаолиятига оид айрим кузатувлар

Наманган сафарига қушдек учғиси келади одамнинг. Қамчиқ довоининг йўллари ҳам "Хуш келибсиз", дегандек, пойингизга елка тутиб, борроғлар ва гуллар маскани бўлган бу бетакрор гўша сари сизни етаклайди. Кўнгли гулдек гўзал, очиқ чехрели, меҳнатсевар, ишбилгич ва тadbиркор одамлар билан суҳбатлашарканмиз, қалбимизга илиқ-иссиқ бир меҳр инади. Ҳар бир қишлоқ, маҳалла, ҳар бир дарвоза олдида тозалик, орасталикка гувоҳ бўламиз.

— Мамлакатимизда оналар, аёлларга, айниқса, қизларга кўрсатилаётган юксак эътибор ва ғамхўрликлар туфайли бугун кадримиз ҳам, қаддимиз ҳам баланд, — дейди суҳбатдошимиз Манзураҳон Азизова. — Муболағасиз айтиш мумкинки, вилоятимизда бугунги кунда амалга оширилаётган улкан бунёдкорлик ишларида хотин-қизларимизнинг ҳам ҳиссаси бекиёс. Юртимизда тadbиркорликни ривожлантиришга кенг имкониятлар очилгач, аён бўлдики, аслида ҳар бир аёл қалбиди тadbиркорликка иштиёқ, ҳавас бор экан. Қайси соҳага назар ташламайлик, хотин-қизларимиз янги-янги ташаббуслар билан даврага кириб келаяптилар. Айниқса, қизларимиз жуда фаол. Уларнинг ўзига ишончи, шахдамлиги, шижоатига қараб одамнинг ҳаваси келади. Бугун нуфузли халқаро мусобақаларда Ватанимиз шарафини ҳимоя қилаётган, фан-таълим, санъат ва маданият соҳасида ўзининг юксак салоҳиятини намоён этаётган спортчи ва оқила қизларимиз билан ҳақли равишда фахрланамиз.

Бугун вилоятда ўзларининг шахсий томорқаларида иссиқхоналар ташкил этган, тadbиркорликнинг чеварчилиқ, қандолатчилиқ, гулчилик, тўнчилик ва бошқа кўплаб йўналишлари билан шуғулланаётган аёллар сафи кундан-кунга кенгайиб бораётгани, уларнинг иқтисодий ва ҳуқуқий билимлари ҳам мустаҳкамланаётгани қувонарлидир.

Наманган шаҳрига август ойида борган одам гуллар диёрига келиб қолдиммикан, деб ўйлайди. Шаҳарда аънавий тарзда узоқ йиллардан бери ўтказиб келинаётган "Гул байрами" бугунги кунда нафақат маънавий-маърифий тadbирлари билан балки дунёнинг турли мамлакатларидан келтирилаётган гул қўчатларини юртимиз иқлимига мослаштириб, ўстираётган тadbиркор ва миришкор гулчилар намоёиши эканлиги билан ҳам ажралиб туради.

Вилоятдаги маҳаллалар, таълим муассасалари ҳамкорлигидаги "Оила — маҳалла — таълим муассасаси" тизимида олиб борилаётган ишлар ҳам жуда яхши йўлга қўйилган. Касб-хунар коллежларида тахсил олаётган ўғил-қизларни касбга йўналтириш,

Вилоятнинг умумий аҳолиси сони бугунги кунда 2 млн. 481 минг 300 нафар бўлиб, шундан 1 млн. 298 минг 500 нафардан зиёди хотин-қизларни ташкил этади.

ўрганмоқдалар. Мазкур коллежда чармдан тикиб, тайёрланаётган аёллар ва спорт сумкалари бугунги кунда ўзининг харидорғирлиги билан ажралиб турибди. Шунингдек, мазкур тумандаги "Янгиер" қишлоқ хўжалиги касб-хунар коллежи иссиқхонасида кўзиқоринлар етиштирилмоқда. Коллеж ўқитувчиси Мубораҳон Шам-

— Бу ердаги компьютерларнинг барчасига болаларнинг тил ўрганишига мўлжалланган махсус дастурлар ўрнатилган, — дейди тadbиркор Нозимжон ака Нақиев. — Қишлоқ болалари ҳам замонавий технологиялардан баҳраманд бўлиб, катта ҳаётга тайёрлансин, деган мақсадда шу ишни йўлга қўйдик ва худудимиздаги мактабнинг инглиз тили ҳамда информатика ўқитувчилари билан ҳамкорликда иш олиб боряпмиз.

Тўрақўрғон сафаридан қайтар эканмиз, "Хатича ая" фермер хўжа-



сиддинованинг айтишича, зарур шарт-шароитлар яратилса, ҳар 18-20 кунда кўзиқоринлар етилар экан.

Оилалар мустаҳкамлигини сақлаш, хонадонларда соғлом маънавий муҳитни шакллантириш борасида Тўрақўрғон туманида бир қатор хайрли ишлар амалга оширилаётганига гувоҳ бўлдик.

— Туман ФХДё бўлими ходимлари томонидан нуруний отахон ва онахонлар, меҳнат фахрийлари, фаол аёллар, шифокорлар, адлия ва ҳуқуқ тартибот органлари вакиллари билан ҳамкорликда ёшлар ўртасида ташкиллаштирилаётган суҳбатлар ва учрашувлар бугун ўзининг ижобий натижасини бермоқда, — дейди туман хотин-қизлар кўмитаси раиси Нодирахон Умарова. — Кичик бизнес ва оилавий тadbиркорлик фаолиятини ривожлантиришга қаратилган ишлар хонадонларимиз фаровонлигини таъминлашга хизмат қилмоқда.

Нодирахон опа билан туман худудини айланарканмиз, тўрақўрғонликларнинг бунёдкорлик ва тadbиркорлик салоҳиятига таҳсинлар айтдик. "Гулистон" маҳалла фуқаролар йиғини гузарига Шокиржон ака Қобулов ташаббуси билан Ватанимиз Мустақиллигининг 23 йиллиги шодиёналари арафасида ишга тушган "Нон маркази", тикувчилик цехи, озик-овқат ҳамда

гўшт дўқонида 10 нафардан зиёд қишлоқ ёшлари иш билан таъминланди.

"Катта Қўрғонча" маҳалла фуқаролар йиғинида очилган янги савдо дўқони ва "Компьютер маркази" ҳам эътиборимизни тортди.

лиги раҳбари, Ўзбекистон Қаҳрамони Халчахон ая Мирзаевани бир гуруҳ фаол аёллар қуршовида учратдик.

— Йилимиз яхши келди. Ҳосил мўл, баракали бўлди, — дейди Халчахон ая. — Мана, эл-юртнинг тўй-тўйчиқлари, яхши кунларида биргамиз. Юртимизнинг ободлиги, ишимизнинг унуми ҳам мана шу одамлар билан-да. Ишлаб толмайди-ган, хонадонининг ободлиги учун тиниб-тинчимайди-ган, ҳар қандай кунда бир-бирига меҳри-ю, елкасини тутиб турадиган халқимиз бор. Аслида, болажон халқимиз, фарзандларимизнинг, неварачевараларимизнинг биздан кўра яхшироқ яшашлари учун

Жорий йилда меҳнат органларига иш сўраб мурожаат этган 10071 нафар аёллардан 9052 таси иқтисодиётнинг турли тармоқларига ишга жойлаштирилди. 808 нафари жамоат ишларига, 204 нафари касбга тайёргарлик ва қайта ўқитишга жалб этилди.

интилаверамиз. Мана шундай йиғинларда, тўрт-бешта аёллар бирлашган давраларда фарзандларимизни бағри бутун бўлиб ўсишлари учун, энг аввало, оилада маънавий соғлом муҳитни шакллантириш кераклигини, оналар маърифатли, зиёли бўлсаларгина бу эзгу ишларимиз яхши самара беришини қайта-қайта ўқирамиз. Олий ўқув юртига ўқишга қираётган ўғил-қизларимизнинг сони кундан-кунга ортиб бораётганини кўрганамизда: "Ҳартугул, насиҳатларимиз бесамад кетмабди", деб хурсанд бўламиз.

Юртимизнинг барча худудлари



— Вилоятимизда қизларини оқила ва зийрак этиб тарбиялаб, уларни юксак мақсадлар сари рағбатлантираётган оналар, ўқимишли, зиёли келинлари билан фахрлиб яшаётган қайноналар сафи кенгайиб бормоқда, — дейди Наманган вилояти ҳокими ўринбосари, вилоят хотин-қизлар кўмитаси раиси Манзураҳон Азизова. — Ҳатто чекка худудларда яшаётган аёлларимиз ҳам мамлакатимизда хотин-қизларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш, оналик ва болаликни муҳофазалаш, оқила қизлар сафини янада кенгайтириш, аёллар, айниқса, қизлар ўртасида тadbиркорликни ривожлантириш борасида амалга оширилаётган кенг қўламли ишлар моҳиятини туран англаб етаётгани қувонарлидир.

Оналик ва болаликни муҳофаза қилиш мақсадида вилоятда 2014 йилнинг тўққиз ойи мобайнида 719200 нафар туғиш ёшидаги аёлларнинг 699582 нафари чуқурлаштирилган тиббий кўриқдан ўтказилган ва уларнинг 409641 нафарида турли экстратегитал касалликлар аниқланиб, ҳозирги кунгача уларнинг 116620 нафари соғломлаштириш жараёнида, 409641 нафари соғломлаштирилди.

каби Наманган вилоятида ҳам обод манзиллар бисёр. Энг муҳими, бугун вилоятда саноат, иқтисодиёт ва ишлаб чиқариш суръати қанчалик тез ривожланаётган бўлса, қадим қадриятларга туташ аъналар асосида тарбияланаётган ўғил-қизларнинг маърифат сари интилиши ҳам шу қадар юксак.

Одамлари қалбидан меҳр ёғилиб турган, файзли гўшадан қайтар эканмиз, кўнглимизда: "Бу иссиқ чехрлар, бу меҳр булоқларини ҳали қайта-қайта зиёрат этаверамиз", деган ёруғ ниятлар кечди. Йилнинг тўрт фаслида ҳам яшиллик ва гўзалликка, бунёдкорликка меҳр қўйган бу худуд аҳлига ўтаётган йил хайрли ва қувончли ютуқларга бой бўлишини тиладик.

Ҳамроҳон МУСУРМОНОВА,
"Оила ва жамият" муҳбири

Ушбу лойиҳа Ўзбекистон Хотин-қизлар кўмитаси билан ҳамкорликда тайёрланди.

Вилоятда жорий йилнинг тўққиз ойи мобайнида аёллар учун 29668 та янги иш ўринлари яратилди. Шундан 24008 таси қишлоқ жойларидаги аёллар учун ташкил этилди.

уларга хунар ўргатиш борасида ибратли ташаббуслар қўллаб-қувватланмоқда. Учқўрғон педагогика коллежи қошида фаолият юритаётган "Наргизсой" номи кичик қорхонада ўқувчилар амалий машғулотлар орқали тadbиркорлик сирларини ҳам

Александр БЕКЧАНОВ,
Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган артист:

ИНСОН ҲАЁТ ИМТИҲОНЛАРИДА ТАРБИЯЛАНАДИ

— Александр ака, инсоннинг илк мақсадлари шаклланишида, энг аввало, оилавий муҳитнинг таъсири катта бўлиши табиий. Ҳаётда ва ижодда ўз ўрнини, йўлингизни топишингизда ота-онанинг ва устозларнинг ўрни қай даражада деб ўйлайсиз?

— Мен асли Хоразм вилоятининг Хонқа туманида туғилиб ўсганман. Оиламиздаги беш фарзанднинг тўртинчиси. Отам Сотимбой Бекчанов айна қирчиллама ёшида дунёдан ўтган. Онам Надежда Бекчанова рус миллига мансуб бўлса-да, ўзбекона қадриятларимизни қадрлайдиган, урф-одатларимизни ҳурмат қиладиган аёл эди.

Менинг санъатга бўлган қизиқишимни ҳаммадан аввал Зоя опам илган. Бешинчи синфда ўқиб юрган кезларимда унинг қистовлари билан онам ўқишимни тумандаги мусиқали мактабда давом эттиришимга рози бўлган. Санъатга бўлган иштиёқим, орзу-хавасларим туфайли 1980 йили Ўзбекистон Давлат санъат ва маданият (собиқ театр ва рассомчилик) институтининг "Мусиқали театр актёри" факультетига ўқишга кирдим. Бу қадрдон даргоҳда малакали ва маҳоратли устозлар кўлида таҳсил олдим. Сайидазим Муродхоновдан вокаль сирларини, Иза Исаевадан актёрлик маҳоратини ўргандим.

Ўзига хос театр мактаби сифатида эътироф этилувчи номдор жамоа Муқимий номидаги Ўзбек давлат мусиқий театрида кўп йиллардан бери ишлаб келаётган бўлсам-да, лекин ҳамон ўзимни худди кечагина институтни битирган талабадек ҳис қиламан. Менинг назаримда, бу ҳар бир ижодкор учун табиий жараён вази фасини ўтайдиган. Чунки у ҳар доим изланишда, ўрганишда бўлади. Демокриманки, ҳаяжонсиз, ҳайратсиз, билинми, муҳлислар эсида қоладиган образ яратиш мушкул. Режиссёр Рустам Бобохонов сахналаштирган "Муҳаббат навоси" да



Мирза тоғай, "Кампир кетармиш" да ҳайдовчи ролларини мириқиб ўйнадим. Кейинчалик 12 йил давомида "Сойбихўжа операцияси" да Турсунбой, "Мушкул савдо" да Илҳом, "Осмондаги хўлқарим" да ота, "Чархпалак" телесериалида Мурод хофиз сингари ўнлаб ролларни ижро этдим. Уларнинг қай бири томошабинда қандай тасаввур, таассурот уйғотганини мен айтолмайман.

— Биласиз, мусиқий театрда санъаткордан нафақат актёрлик, балки кўшиқчилик маҳорати ҳам талаб этилади. Бугун сизнинг ўзингиз бир фидойи устоз сифатида ортингиздан келаётган ёшларни кузатганда, бу борадаги изланишлардан кўнглингиз тўлаётми?

— Аввало, ҳозирги давр ёшларига чин дилдан хавасим келади. Нега десангиз, уларнинг ўз иқтидорини эркин намоеён этишлари учун давлатимиз томонидан барча шарт-шароитлар яратилган. Мен ҳалигача армон қиламан, қанийди, бизнинг давримизда ҳам шундай ғамхўрликлар кўрсатилганида қандай ажойиб санъат асарлари яратилган бўларди. Хайриятки, истиқлол шарофати туфайли театрларимиз деярли бутунлай қайтадан таъмирланди, замонавий кўринишга эга бўлди, техник жиҳатдан жиҳозланди. Демак, энди фақат жўшиб, ёниб ижод қилиш керак. Айна пайтада санъат ола-

мига кириб келаётган ёшларимизнинг дунёқараши кенг, шижоати ҳамда ижодий савиёси баланд. Уларни кузатиб, ич-ичимдан суюнаман, кўнглим тўлади.

Тўғри, гуруч курмаксиз бўлмаганидек, баъзан бизнинг соҳамизга ҳам тасодифан, ўткинчи шухрат, обрў топиш илжинида кириб қолганлар учрайди. Барибир ғалвир сувдан кўтарилаётган маҳал, яъни ҳар бир ижодкорга холис баҳо берилаётганда ундайлар муқаддас сахнанинг машаққатли, захматли синовларига бардош беролмай, секингина ному нишонсиз кетиб қолишади. Нафақат бизнинг театримиз, бошқа ижодий жамоаларда ҳам талаб битта: кўлида дипломи билан келган актёр белгиланган мuddатларда ўз иқтидорини намоеён этолмаса, ўзининг жонли, ҳаётий образлари орқали томошабин кўнглига йўл тополмаса, ишончсизлик билдирилади, вассалом.

— Театр соҳасида фаолият юритаётганингизга ҳам қарийб ўттиз йил бўлибди. Биламизки, кўплаб эсда қоларли ролларингиз маромига етказиб ижро этгансиз. Лекин ижодкор ҳеч қачон изланишдан тўхтаб қолмайди, ўзининг бошқа қирраларини ҳам кўрсатишга интилади. Шу маънода, сиз ҳам бошқа ҳамкасбларингизга ўхшаб режиссурада ўз кўчингизни синаб кўришга қизиқмадингизми?

Гуруч

— Халқимизда "Чумчүк сўйса ҳам қасоб сўйсин", деган ажойиб ибора бор. Мен бежиз актёрликни танламаганман. Ўз ишимни маромига етказиб бажарганим маъқул, деб ўйлайман. Худойимга минг қатла шукрки, камтарингина хизматим давлатимиз томонидан муносиб баҳоланди. Энди ана шундай юксак эътирофга яраша хизмат қилишим керак.

— Оилангиз ва касбий фаолиятингизни таҳлил қиладиган бўлсак, хавас қилса арзийди. Армон ва бахт тушунчаларини сиз қандай изоҳлаган бўлардингиз?

— Бу дунёда армонсиз одамнинг борлигига шубҳа билан қарайман. Агар ёмонлик бўлмаганида яхшиликнинг қадрига етмаган бўларди, тўғрими? Сабр-тоқат ва кенг феъллик билан ҳаётнинг турли хил кўринишдаги оғир-енгил имтиҳонларидан ўтиб бораверар экансиз. Менимча, бу тушунчаларни ҳар ким ўз ақл тарозисидан ўлчаб яшайди. Кимдир бахтлиман деб суюнади. Яна кимдир бахти яримлигидан куюнади. Бу энди табиий ҳол.

Мен ҳақли равишда ўзимни энг бахтли оиланинг вакили деб ҳисоблайман. Қувончлиси, умр йўлдошим — Ўзбекистон халқ артисти Меҳри Бекчанова билан умримизнинг ярми театр сахналарида, тасвирга олиш майдончаларида, яъни эса қадрдон оиламиз бағрида кечаётир. Олманинг тагига олма тушади, деганларидек, қизимиз Дилдора санъатшунослик соҳасини танлаган бўлса, ўғлимиз Диёрбек айна пайтада Ўзбекистон Давлат санъат ва маданият институтининг "Эстрада актёрлиги" факультетига таҳсил олаётган. Кўз тегмасин, орзуларимиз рўёбини кўраямиз.

Мен бугун жаннатмонанд юртимнинг қай бир гўшасига борсам, шу заминга бутун меҳр-муҳаббатини фидо қилиб, бунёдкорлик ишқиде ёниб яшаётган ватандошларимнинг сўз билан таърифлаб бўлмайдиган шукронага тўла дил сўзларини эшитиб, бошим осмонга етади. Ниятим; озода ва обод Ватанимиз асрлар оша гуллаб-яшнаувари, биз санъаткорлар эса халқимизнинг кўнгли дунёсини шод этишдан толмайлик!

"Оила ва жамият" муҳбири
Барно МИРЗААХМЕДОВА
сўхбатлади.



АЖДОД ВА АВЛОД — "Аждод" сўзининг илдизи "буюк бўлди" феълдан пайдо бўлиб, сўнг "бобо" маъносини англаган. Илгари ўтган насл-насаб, ота-боболар "аждод" сўзида ифодаланади.

"Авлод" сўзининг ўзаги "дунёга келтирди" маъносига "валад" феълдан келиб чиққан бўлиб, у тилимизда "бир отадан тарқалган насл, зурриёт, қариндош-уруғ" маъносини англатади. Шунингдек, замоннинг маълум қисмига оид одамларга ҳам "авлод" дейилади.

ЯЙДОҚ — ўсимлик ўсмайдиган ўт-ўлансиз, дов-дарахтсиз жой маъносини билдирган бу сўзнинг туб илдизи эгаржабдуксиз от деган маънони англатади.

Ярим соатдан кейин ҳалиги йигит, яйдоқ от устидан ўқдай учиб ўтди.
Асқад Мухтор

ОМОНАТ — сақлаш учун ишониб топширилган нарса мазмунини ифодалайдиган бу сўзнинг туб илдизи "хавф-хатардан холи бўлди", деган маънони англатади. Бундан ташқари унинг "вақтинча", "муштақам бўлмаган", деган маънолари ҳам бор.

Омонатга хиёнат қилма.

Мақол

СОПҚОН — ичига тош солиб отиладиган қадимги қурол тилимизда "сопқон" деб аталган. Гарчи бу қурол унутилиб кетган бўлса-да, уни ифодалаган сўз тилимизда образ сифатида сақланиб қолган. Масалан:

Сағирнинг ҳақи — сопқоннинг ўқи.

Мақол

Эшқобил ШУКУР тайёрлади.

ҚУЁШНИ СОФИНАСИЗ

Ёз чилласи. Кунлар тандирдай қизиган маҳал. Ташқарида сал кам эллик даража иссиқ. Нафас олишга қийналасиз. Қуёш аямай нур сочаётир. Дехқонбой амаки чошгоҳга яқин даласидан қайтиб келди.

— Кампир, қаердасан, бир ачиқ кўк чойдан дамлаган, бугун кун ёниб кетди ўзиям, қачон тугаркин-а бу жазирама? Сарви хола ўчоқ бошидан овқат со-

линган косани олиб келаркан, чолинги нолинганини эшитиб:

— Ҳа, энди, دادаси, бу кунлар ҳам ганимат аслида. Ёз ёзлигини қилса, қиш ҳам қишлигини қилади, дердилар раҳматли бобом. Бу гаплар бежиз айтилмаган.

— Эслайсаним, авваллариям офтоб шунақа қизитармиди. Ҳеч эслолмайман?

Қатра

— Қизитарди, ўшандаям кун ботарди, тонг отарди, қуёш чикарди, умр ўтиб кетяпти-да, лекин офтоб ҳеч қаерга кетгани йўқ-ку!

— Буюм бир гап-да, онаси, қани чойдан қуй-чи.

— Куз келади ҳадемай, изидан қиш. Ана шунда яна энди қачон қуёш чикаркин, деб ўтирасизми?

Кумуш СИРОЖИДДИНОВА

...Хазонлар тўкилиб ётган асфальт йўлакда пошнанинг тақиллаши акс-садо беради. Бейхитёр ўша томонга қарайсиз. Бир назокатли қиз келаяптики, қўғирчоқнинг ўзгинаси дейсиз. Сўнги русумдаги кийимлари навнихолдек қоматига чиппа ёпишган. Бўйнига осиб олган телефони, қулоғидаги "наушник", соч турмаги ва ҳатто пардозни ҳам кино юлдузлариникидан кам эмас. Фақат... замонавий бичимдаги калта курт-каси гоҳ-гоҳ хиёл кўтарилиб кетганида, қараган кўз андак хижолат тортади...

Хозир қизларнинг ҳаммаси мана шундай чиройли. (ҳатто бир хилми-ей). Шундай экан, келинг, шу қиз мисолида бугунги ёшлар, аниқроғи, уларнинг замонавий кифёси назар ташлайлик.

Аввало, қизларнинг "бежирим" кийимлари борасида тўхталасак. Танани иссиқ-совуқ, ташқи таъсирлардан ва, албатта, бегона кўзлардан ҳимоя қилиши керак бўлган либослар, мана шундай "чиройли" кийинишга интилиш асносида, афсуски, ўз моҳиятини йўқотиб бораёпти. Хозирги моданинг энг "оғриқли" жойи — торлиги. Шифокорларнинг таъкидлашича, мунтазам равишда торшим кийиш организмда мода алмашинувини издан чикариш билан бирга, гинекологик ва эндокринологик касалликларга чалинишга мойилликни кучайтиради экан, устига-устак, бепуштлиқка сабаб бўлиши ҳам аниқланган... Баданига теридек ёпишган тор шим кийиши оқибатида қизларда тос суягининг қисқариши, яъни торайиши юз бермоқда. Бу эса аёлнинг энг олий вазифаси — фарзандни дунёга келтиришда муаммолар пайдо қилади. Оёқ кийим пошнанинг баландлиги эса нафақат тоvon қисмининг шикастланиши, балки умуртқа поғонаси ривожланиши борасида ҳам ёмон оқибатларга олиб келиши мумкинлиги ҳеч кимга сир эмас.

Замонавий кийимларнинг калта бичими туфайли қизнинг бот-бот бели очилиб қолишини юртимизнинг табиий иқлим шароитидан келиб чиқиб изоҳлайдиган бўлсак, саломатлик учун анчайин хавфли экани ҳам ойдинлашади. Ахир, бу ёғи энди қиш. Изгирин шамоллар навнихол та-

нага салбий таъсир кўрсатмай қолмайди. Бу эса катта ҳаёт оstonасида турган қизга нисбатан жиддий шомоллаш хавфини тугдиради.

Қулоғидаги "наушник" эса эшитиш қобилиятининг кушандаси — агар кўп ва баланд товушда фойдаланилса, қулоқ пардаларига зиён еткази. Бу ҳам етмагандек, қулоғини мана шундай "тиқин" билан бекитиб олган қизлар (умуман ёшлар) билан катта йўлларда автохалокатлар содир бўлаётгани ҳам айна ҳақиқат. Телефонни имкон қадар юракдан (умуман, муҳим ички аъзолардан) узоқ тутиш кераклиги ҳақида ҳам мутахассислар кўп оғохлантиришмоқда. Аммо "Бундай оғохлантиришларни менга тегишли эмас", деб ҳисоблайдиган қизлар орамизда жуда кўп учрайди.

Дарвоқе, оймқизнинг сезилар-сезилмас чайнаиб келатганини айтмабмиз-ку. Афсуски, ҳазм ва тишлар саломатлигига мўлжалланган бу муолажа ҳам кўпчилик ёшларда зарарли одатга айланиб қолган. Мутахассисларнинг фикрича, резинали сақични бир кунда 3-4 марта 10 дақиқадан чайнаш кифоя. Яъни фақат овқатдан кейин. Бу чиндан ҳам нохуш хидлардан халос бўлишга ва овқат ҳазмига ёрдам беради. Агар оч қоринга ёки узоқ вақт чайналса, ортиқча сўлак хосил бўлади ва қуруқ ошқозоннинг шиллиқ пардасини шикастлайди. Оқибатда ошқозонга жабр.

Юқорида "замонавий" қизимизнинг ташқи оламига назар ташладик. Уйга толдик: кийинишидаги зўрма-зўрақлик, сунъийлик ички оламидаги нозик хилқат — кўнгилга дахл қилмасмикин?..

Ҳамма қизлар чиройли бўлишни исташади. Шу ўринда бир мисол: Голливуд актёрлари билан махус ички (маънавий) ва ташқи (жисмоний) гўзаллик мутаносибли-

ги тўғрисида суҳбатлар ўтказилар экан. Чунки маънавий қиёфа ҳамisha инсоннинг чехрасида акс этади. Золим, тафаккурсиз одам ҳеч қачон истарали бўлмайди. Шу боис актёрлар зулм, жоҳиллик қилмасликка уринадилар. Демак, энг асосий пардозимиз қалбда бўлиши керак. Дили пок инсон хунук бўлолмайди.

Бугунги кунда қиз-жувонларимизнинг упу-элик, турли бўёқлар каби пардоз воситаларига ружу қўйганини қўриб, бу ички қашшоқликни яширишга уриниш эмасмикан, деган хавотирга тушасан.



Бундан ўзи асрасин! Нима бўлганидаям, кўпроқ жисмоний гўзалликка баҳо берилган ҳақиқат. Айниқса, ёшларнинг косметикага ёпишиб олгани кишини ташвишлантиради. Дунёнинг асарият мамлакатларида косметик воситалар ишлаб чиқаришга сарфланадиган маблағ бошқа соҳалардан ўзиб бормоқда. Пардоз воситалари ишлаб чиқариш қорхоналарининг атроф-муҳит ифлосланишига қўшаётган "улуши" ҳам тобора ортаяпти. Аммо бу зарарнинг фақат бир томони. Иккинчиси эса бизга тўғридан-тўғри зиён еткази. Замонавий пардоз воситаларининг барчасида кимёвий унсурлар мавжуд. Афсуски, улардан уквусиз ва паллартиш фойдаланиш натижасида терининг салқиб қолиши, ажинларнинг кўпайиши, ва ҳатто юзга доғ тушиши ҳолатлари кузатилади. Бун-

дай пардоз усули қанча эрта бошланса, салбий оқибатлари шунча кўпаяди. Мутахассисларнинг таъкидлашича, киприк туши, крем ва упалардан билиб-билмай фойдаланиш оқибатида тери касалликлари, аллергия юзага келар экан.

Айрим қизларимиз орасида эса қош-қўзию лабарини татуаж қилдириш ҳам урфга кириб бормоқда. Яқинда ана шундай муолажа олган қизни учратиб қолдим. Қош чиздирган экан. Иккаласи икки хил бўлиб қолибди. Лабида эса татуаждан кейин яралар пайдо бўлиб, тузалиши қийин кечаётган экан. "Бу қиз курмагур, чиройли бўламан, деб ойдаи онасига доғ туширди-я", дейди онаси куйиниб.

Яна бир онани ташвиш қилди ҳолда учратдим. Ошқозони оғриб, шифохонада даволанган ётган қизини йўқлаш учун шошиб бораётган экан. "Янги чиққан фасондаги кийимларни кийиб кўрса, бичими тўғри келмабди. Шунинг учун озаман, деб неча ойдан бери яхши тамадди қилмасди. Интернетдан махсус дастурлар топиб, қорини фақат мева билан алдаб юрди. Мана оқибати! Ошқозонда яраси бор экан. Камқонлик хасталигини ҳам ортираиб олибди", дейди у йиғлағудек бўлиб.

Тўғриси, бугун мода кетидан қувган қиз-жувонларимиз озиш учун ўзларини не қийноқларга солишмаяпти, дейсиз. Шифокорлар танадаги ёғни эритувчи махсус дастурлар асосидаги пархезлар модда алмашинувини, буйрак, жигар, ошқозон фаолиятини бузиш ҳақида бонг урмоқдалар. Озиш усуллари ҳатто бепуштлиққа олиб келиши ишончли манбаларда қайд этилган. Ташвишланарлиси шуки, вазн меъёрлари йилдан-йилга тобора камайиб бормоқда: Европа ва

Америка мамлакатлари хипчиндек нозик "модел"ларини дунёга кўз кўзлаб, барча аёлларни ўз ортидан эргаштирмоқда.

Аслида, озгинлик ёки тўлалик табиий бўлгани ҳолда, ҳар иккиси ҳам ўзига яраша афзалликка эга. Муҳими — организмни ортиқча қийнамаслик керак. Қизларимиз озишни истасалар, кўпроқ ҳаракат қилсинлар, жисмоний машқлар, спорт билан шуғуллансинлар. Шунингдек, бу борада оналаримиз-момоларимизнинг қадим кадрятларимизга қоришиқ услублари бор: қиз бола онасига уй юмушларида ёрдам берса, меҳнат қилса, еган таомининг ҳазми тезлашади, танаси ортиқча ёғлардан халос бўлади. Эрталаб туриб, ҳовлини (кўпқаватли уйларда яшайдиган қизлар зиналарини) супуриши ҳам ўзига хос машқлардан бири эмасми? Бу ҳақда гап кетганида момоларимиз: "Гўзаллик орасталиқдадир", дейишади.

Бугунги кунда Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси ташаббуси билан маҳаллаларда, таълим муассасаларида фаолият юритаётган "Ораста қизлар", "Зумрадойлар" каби давраларда ҳам қизларимиз билан кийиниш, ороланиш борасида мутахассислар, шифокорлар, нуроний онахонлар иштирокида давра суҳбатлари ўтказилаётгани, тушунтириш ишлари олиб борилаётгани хайрли иш бўляпти. Ана шундай суҳбатларда: "Мода — саломатлик учун хавфга айланмаёптими?", "Замонавий пардоз воситалари қизлар учун қай даражада фойдали?", "Татуажнинг саломатликка нечоғли зиёни бор?" каби саволларга опа-сингилларимиз, дугоналаримиз билан маслаҳатлашиб, ҳамжихатликда жавоб изласак, мақсадга мувофиқ бўларди.

Бугун айнан қизларнинг кийинишига тўхталганимиз бежиз эмас, ахир улар авлодимиз давомчилари. Насихат қилишдан йироқмиз, сизни мулоҳазага қорладик, холос. Нима дейсиз?

Гулчехра АСРОНОВА,
"Оила ва жамият"
муҳбири.
Фаргона вилояти.

РЕКЛАМА • РЕКЛАМА • РЕКЛАМА • РЕКЛАМА • РЕКЛАМА • РЕКЛАМА • РЕКЛАМА • РЕКЛАМА

«ЎКТАМХОН-НУР» ўқув маркази

қуйидаги ўқув курсларига тақлиф этади:

Тикувчилик — 3 ой.
Тўй ва оқшом либослари — 1-2 ой.
Аёллар костюм-шимми, плаш-пальто — 1-2 ой.
Ҳамшира — 6 ой, 4 ойи ўқиш, 2 ойи амалиёт.
Ҳамшира (тезкор) — 3-4 ой (амалиёти билан).
Тиббий массаж — 3 ой (2 ой ўқиш, 1 ой амалиёт).
Торт ва пишириқлар — 2 ой.
Олий торт безатиш курси — 2 ой.
Уйгур, Европа таом ва салатлари — 2 ой.
Жаҳон таомлари — 2 ой.
Аёллар сартарошлиги — 3 ой.
Тўй ва оқшом турмаклари ва макияж — 1 ой.
Бухгалтерия ҳисоби — 3 ой (0 дан балансгача).
Элита парда ва чойшаблар тикиш — 1 ой.
Элита парда ва чойшаблар тикиш олий курси — 1 ой.

Бичиш-тиқиш, моделлаштириш ва малака ошириш — 1 ой.
Сартарошлик — 2-3 ой (ўғил болалар учун).
Тирноқ, киприк ўстириш ва дипелляция — 1 ой.
Каштачилик — 3 ой (машинада вышивка).
Тўқувчилик — 3 ой.
Инглиз тили — 3 ой, рус тили — 3 ой, турк тили — 3 ой, корейс тили — 3 ой.
Бисер, яъни мунчоқ тикиш — 2 ой.
Декоратив гул ясаш — 1 ой. Сарпо қути ва саватлар ясаш — 1 ой.
Бисердан гуллар, дархатлар ясаш — 2 ой.
Карвинг (мева ва сабзавотлардан композиция ясаш) — 3 ой.
Компьютер сабоқлари — 2 ой, Интернет — 1 ой.

Барчаси амалиёти билан. Ётоқхона мавжуд.

Ўқишни тугатганларга ДИПЛОМ берилади.

МАНЗИЛ: Юнусобод тумани 3-мавзе 1-уй 31-хона. МЎЛЖАЛ: Юнусобод дехқон бозори бош тарафи орқасида.

Тел: (8 371) 221-17-95, 221-77-72, +99894 678-50-30 225-97-93 (18⁰⁰ дан 22⁰⁰ гача).

ФИЛИАЛ МАНЗИЛИ: Ҳамза тумани Фаргона йули кўчаси 4-уй 40-хона. МЎЛЖАЛ: Қўйлик кийим бозори рўпарасида.

ТЕЛ: (8371) 295-97-82, +99894 678-50-30 (кундузи)

ТАБРИКЛАЙМИЗ!

Хурматли
РИХСИНИСО опа ҚАЮМОВА!
Сизни табарруқ 70 ёшингиз билан муборакбод этамиз. 100 билан юзлашиб, фарзандлар, невараларнинг роҳатини кўриб юриш насиб қилсин. Ҳат-гандан мустаҳкам соғлик тилаймиз. Ҳаётимиз сиз билан гўзал, Сиз-ла кўркам бизга бу жаҳон. Ёшингизга ёш берсин Тангрим, Омон бўлинг, доим онажон!
Синглингиз Мехринисо ва фарзандларингиз

ЭЪЛОН!

Сапарова Назира Назаровна номига Самарқанд вилояти Булунгур туман ИИБ томонидан 25.08.2000 йилда берилган фуқаролик паспорти йўқолганлиги сабабли БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

— Ассалому алайкум, тахририят-ми?

— **Худди шундай, ўзингизни таништиринг.**

— Опажон, менинг исми Муаттар, фамилиям эса... Намангандан кўнги-роқ қилаяпман.

— **Хўш, эшитаман сизни, марҳамат, бемалол гапираверинг.**

— Очигини айтмайми сизга, шу кунларда кўнглим бир тараф, ақлим бир томон. Ўзим билан ўзим курашиб чарчадим, шунинг учун охири сизларга дардимни айтишга чоғландим. Ёшим ўн тўққизда. Коллежни тугатиб, нуфузли ташкилотга ишга кирдим, ҳаммаси яхши эди, фақат ишхонамизга Адҳамжон деган ҳисобчи йигит ишга киргунига қадар...

— **Ўрталарингизда бирор муаммо пайдо бўлди-ми?**

— Йўғ-э, ишонасизми, мен... Ўзим билмаган ҳолда унга қаттиқ боғланиб қолдим. Дардимни ичимга ютдим, бўлмади, чидолмай, яқин дугонамга айтдим. У бўлса мени қаттиқ койиди.

— **Севиб қолиш гуноҳ эмас-ку!**

— Тўғри-ю, лекин, Адҳамжон ака уйланган экан.

— **Унда дугонангиз ақли маслаҳат берибди-да.**

— Сиз ҳам мени тушунмаясиз, умримда биринчи марта севги дардига мубало бўлдим. Усиз ҳаётимни тасаввур этолмаяпман.

— **Шошилманг, кўнгилга хай беринг, сиз энди ҳиссиётларга эмас, ақлга суяниб иш тутмасангиз, ўз бахтингизни ўзингиз поймол қиласиз.** Қолаверса, Адҳамнинг оилали, фарзанди ҳам борлигини унутманг. Ишқилиб, бу гапдан ишхонангиздагилар беҳабарми?

— Авваламга ҳеч кимга сездирмадим. Уч-тўрт марта қизлар билан бирага тушликка чиқаётганимизда Адҳам акани ҳам таклиф қилдик. Уртада ҳазил-хузул гаплар бўлди. Мен эса уни азбаройи яхши кўриб қолганим учунми, бошқалардан қаттиқ рашк қила бошладим. Сирдош дугонанинг маслаҳати билан бир кун унинг кўл телефонига муҳаббат ҳақидаги шеърлардан бирини ёзиб юбордим. Ҳеч қандай жавоб келмади. Эртаси кун арзимаган нарсаларни баҳона қилиб хузурига кирдим. У умуман менга қайрилиб ҳам қарамади, ҳатто сўраган саволларимга ҳам жўялироқ жавоб бермади. Ўзимча аччиқландим, ишдан вақтлироқ уйга жўнавордим. Туни билан ухлалмадим.

— **Муаттар, сиз кўра-била туриб, нега бировнинг бахтига тўғаноқ бўлмоқчисиз? Уша smsингизни Адҳамнинг аёли ёки уйдагилари ўқиб қолганида нима бўларди?**

— Бу ҳақда умуман ўйлаб ҳам кўрмабман. Билмасам, муҳаббатнинг кўзи кўр бўлади, деган гапни қаерда-дир ўқиган эдим, рост экан-да.

— **Кейин нима бўлди?**

— Эртаси кун негадир Адҳам ака ишга анча кечикиб келди. Ушангача бир неча марта кўл телефонини тердим, ўчирилганди. Роса хавотирланиб, ўзимни кўярга жой тополмай қолдим. Бир пайт ишхонага келди-ю, халиги дугонанинг олдида менга қараб, жиддий оҳангда: «Муаттар, мен сиз билан ошиқ-маъшук ўйнайдиган ёшдан ўтганман, уят бўлади, синглим, халиям аёлим телефонимни қовлаш-



тирмайди, бўлмаса, оқибати яхшилик билан тугамасди. Хали бахтингиз олдинда!» дея койиди.

— **Шу йигитнинг отасига минг раҳмат, синглим, жуда тўғри гапни айтибди, бундан хулоса чиқаринг энди.**

— Йўқ, унинг истеҳзоо билан айтган гапларини эшитиб, биров устимдан бир челақ муздеқ сув қуйиб юборгандек бўлди, халигача ўзимга келолмаяпман. Энг ёмони, дугонам ҳам ўша кунги воқеани бошқа қизларга оқизмай-томизмай айтиб берибди. Шундан бери ўзимдан уяляпман. Аммо Адҳам ака кўринди дегунча, ўзимни йўқотиб кўявераман. Менинг айбим нима, севганимми, опажон?!

— **Севиш бошқа, севилиш бошқа ахир, нега тушунмайсиз? Сиз агар 8-9 синф ўқувчиси бўлганингизда бундай гапларни айтиб ўтирмасдингиз. Бу аҳволда умид билан ўстирган ота-онангизнинг юзини ерга қаратиб кўясиз-ку!**

— Онанинг бу гапдан хабарлари бор, «Севмаганга суйқалма, оилали экан-ку», деб роса уришиб берди, «Даданга айтаман, иккинчи бу ҳақда оғиз оча кўрма», деди.

— **Бошқа нима дейиши керак эди?**

— Барибир ҳеч ким мени тушунишни хохламаётгани алам қилаяпти. Минг марта уриндим унуттишга, туну кун кўз олдимда Адҳам аканинг кулимсираб турган қиёфаси тураверади, нима қилай? Неча марта уйимизга совчилар сўраб қелишди, бирортасига

Кўнгироқ

кўнмадим. Бундан дадамнинг жаҳли чиқиб юрибди. «Хўш, кимга тегаркин, айтсин», дебди ҳатто. Мен эса... Адҳам акани севаман, майли, иккинчи...

— **Хай-хай, тавба денг, синглим, нималар деяпсиз, бундай қисматни зинҳор ўзингизга раво кўрманг. Хали кўрасиз, йўлингизда Адҳамдан ҳам ақлли, яхшироқ йигитлар учрайди. Менга айтаётган шу гапларингизни бир кун келиб, ўзингиз кулиб эслаб юрасиз.**

Қиз боланинг бахти гурури билан, деб бежиз айтишмаган.

— Нима деб маслаҳат берасиз, мен қандай йўл тутсам, тўғрироқ бўлади? Шу кунларда ишга ҳам боргим келмай қолди. Дугоналарим ҳам мендан ўзларини олиб қочишпти. Адҳам ака бўлса, мени кўрган заҳоти зўрга сўрашиб, ўтиб кетади. Мен эса уни кўрмасам туролмайман.

— **Агар ўткинчи ҳиссиётларингизни ақл ва иродангизга бўйсундира олмаётган бўлсангиз, яхшиси, иш жойингизни ўзгартириб, ҳаммасини унуттишдан бошқа йўл йўқ. Ҳаёт аталмиш улуг неъмат инсонга бир марта берилади, бу имкониятни бой берманг.**

— Нима деб ўйлайсиз, мен Адҳам акасиз яшашга кўника олармиканман?

— **Бу сиз учун катта йўқотиш бўлар, аммо, албатта, кўникасиз. Сизни изтиробга кўйган тўйгу бу севги-муҳаббат эмас, аксинча алдамчи ҳисларгина ҳолос. Бу шамолдай ўтади-кетади. Сиз, энг муҳими, шаънингиз-гурурингизни ўйланг. Ҳеч қачон кўнглингизни қурбон қилманг. Хали ҳақиқий шахзоданингизни учратганингизда, ота-онангиз розилиги билан тўй бўлади. Ушанда бизни тўйга таклиф этишни унутманг.**

...Бир маҳал телефон узилиб қолди. Ўзимча, менинг гапларим Муаттарга ёқмади шекилли, деб ўтирсам, яна кўнгироқ бўлди.

— Алло, опа, минг бора узр, соткада вақт чегараланган-ку, шунга гап-лашолмадим. Яхшиям, сиз билан дардлашганим, энди юрагим анча ёзилди, фикрларим ҳам теранлашпти, ташаккур.

— **Бизни ўзингизга сирдош деб билиб, кўнгироқ қилганингиз учун сизга ҳам раҳмат, бахтли бўлинг!**

Шахло ТОШБЕКОВА ёзиб олди.

(Муаттар мулоқотимиз тугаганидан сўнг, кўнгли анча таскин топгач, мендан ўзи ҳақидаги маълумотларни ошкор этмаслигини сўради).

Биласизми?

ҚАНДАЙ ЖИЛД ТАНЛАШ КЕРАК?

Мутахассисларнинг фикрига кўра, бугунги кунда уй бекаларига сатин, супер сатин, тоза чит каби сифатли матолардан тайёрланган тўшак жилдлари жуда манзур бўлмоқда. Улар пишиқ тўқилган бўлиб, ҳатто кир ювиш машинасига солганда ҳам титилиб кетмайди.

Тўшак учун жилд танлаётганда, ушбу умумий қоидаларга риоя қилиш мақсадга мувофиқдир. Бугунги кунда юртимизда ишлаб чиқарилаётган тўшак жилдлари ҳам сифат жиҳатидан хориж маҳсулотлари билан тенг-лаша олади.

● Мато қанча пишиқ бўлса, шунча яхши. Пишиқ тўқилмаган матони бир қарашдаёқ аниқлаш мумкин, яъни, бу каби мато бир неча бор ювилгандан сўнг титилиб, йиртилиб кетади.

● Янги жилддан намлик, моғор ёки кимёвий бўёқларнинг хиди келмаслиги лозим. Жилдлардан бўёқ хиди келаётган бўлса, демак, ювил-лиш жараёнида унинг ранги оқариб кетади. Жилд тикиш учун мато харид қилаётганда бунга ҳам эътибор қаратиш керак.

● Маҳсулот қанчалик яхши қадоқ-ланган бўлса, у шунчалик сифатли-дир.

Тўшак жилдлар тайёрланадиган газламалар ичида биринчи ўринда турадигани пахтали матодир. Пахтаги матолари унча қиммат эмаслиги учун ҳам харидорғир. Бунинг устига фойдаланишга жуда қулай. Нима бўлганда ҳам табиий мато-да!

Тўшак учун жилд танлаётганда газлама сифатини аниқлашнинг энг осон йўли бу — унинг оғирлигига эътибор беришдир. Оғирлик матонинг қай даражада қалинлигини билдиради. Бу эса жилднинг чидамли бўлишини таъминлайди. Чунки мато қанчалик қалин бўлса, жилд ҳам шунчалик узоқ вақт хизмат қилади.



Сатин — бу борада етакчи мато ҳисобланади. Ушбу мато ҳавони яхши ўтказиши, майнлиги ва чидамлиги билан бошқа матолардан ажралиб туради. У майнлиги жиҳатидан ипакка тенг. Хар қанча ювилганда ҳам сифатини йўқотмайди. Бироз ранги ўзгариши мумкин, ҳолос.

Батист — жуда ҳам энгил мато бўлиб, бу жилд учун ярамайдми. Чунки, уни бир неча марта ювгандан кейин докадек юпка тортиб қолади. Шу тўғриси батистдан жилд қилиш тавсия этилмайди.

Чит — энгил ва арзон ип-газлама саналади. Чит газламаларининг сифати унчалик яхши бўлмайди. Шу сабабли ундан тўшакка жилд қилинса, кўпга етмайди.

Лен (зигирпоя толасидан тўқилган мато) — экологик жиҳатдан энг тоза ва фойдаланишга қулай саналади. У совуқ ҳавода иситиш ҳамда жазирамада салқин тутиш хусусиятига эга.

Латофат САЪДУЛЛАЕВА тайёрлади.

СЕРИАЛГА ҲУШИМ ЙЎҚ!

Кеча ишдан қайтаётсам, маршпруккада икки аёл баҳслашиб кетишарди:

— Мен бўш вақт топдим дегунча, болаларимнинг дарсларини назорат қиламан, кейин рўзгор юмушларидан ортунимча кеч бўлиб қолади. Эрталаб яна оладига ташвишлар, ҳаммамиз ишга, мактабга чопамиз. Бекорчи йўқ бизнинг уйда.

— Мен, биласиз, кун бўйи бозордаман, бекорчи вақтим кўп, дўконга, шу десангиз, кичкина телевизорча

қўйиб олганман, кўраним сериаллар. Бирам қизгисей, уйимиздаям шу аҳвол, дадамиз бўлса, кроссворд жинниси, улар ҳам бўшаган заҳоти телевизорга термилади. Сериал ўтиб кетмадимми, деб.

— Илтимос, шу сериалдан гапирманг, кўнглим озади-я, кўнглим. Тўғриси айтмайми сизга, маза-матраси йўқ сериалдан кўра битта яхши китоб ўқийман, васалом! Сериалга ҳушим йўқ!

ЛАЙЛО.

Нима дейсиз?



АНТИҚА ПОЙАБЗАЛЛАР

Масая Кузино (Masaya Kushino) – япониялик креатив дизайнер. Унинг ўз ишидаги профессионаллик даражасини Киото шаҳридаги дизайнлик институти ҳамда Миланнинг Марангони институти битирганлиги тўғрисидаги дипломларидан ҳам билса бўлади. Масая фэйшн саноати оламида жуда машҳур. Ноъанавий бежирим пойабзаллар тайёрлаш бўйича ўзига хос бренд соҳиби. Бошқа брендлардан фарқини сиз Масая томонидан ишланган оёқ кийимларининг фотосуратларидан ҳам ажратиб олсангиз бўлади.

Унинг пойабзаллари ипак ва кимхобдан, рангдор қўшлар патлари бириктирилиб, ҳақиқий санъат асари даражасида тайёрланган. Бундай материаллардан одатда таниқли япон савдо маркаси (akuchu Ito) томонидан кимоно ва бошқа миллий либослар тикилади. Пойабзалларнинг пошналарини эса мохир хайкалтарош Атсуши Накамуранинг ўзи ўйлаб топган ва тайёрлаган.

МИТТИ РАСМЛАР

Навбатдаги мўъжизавий расмлар минимализм санъатига мансубдир. Митти асарлар борасида гап кетса, одатда, заргарларнинг меҳнати кўз олдимизга келади. Шунингдек, митти хайкалтарошлик ишларини ҳам кузатгансиз. Кейл исми туркиялик бу рассом эса, ўзининг ноёб ижодий маҳсулотлари билан бошқалардан ажралиб туради. Яъни, у расмчишиш учун қоғоз ёки бўз мато ўрнига ка-

палак канотлари, кўнғизларнинг қаттиқ қопламалари, шиллик-қурт уяси, лимон пўстлоғи, кофе уруғлари ва ҳоказоларни танлайди. Рассом палитра (буёқларни аралаштирувчи тахтача) ўрнида ўзининг бармоғидан фойдаланади. Фавкуллода сабр-тоқат эгаси бўлмиш Кейл ўта ингичка мўйқалам билан майда деталларни оҳиста чиза бошлайди. Томошабинлар бу мини-картиналарни жудаям яқиндан тикилибгина яхшироқ кўришлари мумкин. Унинг асарият расмларида туғилиб ўсган шаҳри – Истамбул манзаралари акс этади.

Наргиза СИДДИҚОВА
тайёрлади.



УЧИНЧИ УРИНИШ

— Бир ташкилотда тунги қоровул бўлиб ишлайман. Навбатчиликни топшириб, тўғри шу ёққа келавердим. Кеча кўнғироқ қилган эдим сизларга.

— Исмингиз Анвар ака эди, янглишмасам, хўш, эшитамиз сизни.

— **Ёшим 46 да.** Асли сирдарёликман. Ҳозир Тошкентда яшайман. Биринчи аёлим билан қонуний ажрашганимга 11 йилдан ошди. Икки фарзандим онаси билан қолган. Тўрт йилча аввал бошқа бир аёлга уйлангандим. Тўйдан кейин унинг тўтқаноқ касали борлиги маълум бўлди ва анча вақт даволатдим. Фойдаси бўлавермагач, уйдагилари билан маслаҳатлашиб, ажрашдик. Имкони борича, Тошкент ёки сирдарёлик, уй-жойим дейдиган сариштали, 35-40 ёшлардаги бефарзанд аёл билан оила қурмоқчиман.

ЁН ҚЎШНИЛАР ЭДИК

Маҳфузани болаликдан яхши билардим. Ён қўшнilar эдик. Бир-биримизга кўнгли кўйдик. 24 ёшимда унга уйландим. Аёлим саранжом-саришталиги, хушмуомалалиги билан хонадонимизга файз олиб кирди. Кетма-кет уч фарзанд кўрдик. Дунёда биздан бахтли жуфтлик йўқ эди, назаримда. Аммо тўнғич ўғлимизни уйлантирганимиздан сўнг қутилмаганда Маҳфуза оғир дардга чалиниб ётиб қолди. Уч йилдан кейин дунёдан ўтди. Ўтган йили иккинчи ўғлимни ҳам уйлантирдик. Келинларим барака топишсин, иккиси ҳам тарбияли, меҳрибон. Энди қизимни онаси орзу қилганидек, яхши бир хонадонга узатиш ниятидаман. **Ёшим 50 да.** Маълумотим олий. Нуфузли бир ташкилотда ишлайман. 45 ёшгача бўлган, оилапарвар, оққўнғил аёл учраса, уйланмоқчиман.

СУХРОБ ака,
Жиззах вилояти.

ОТАСИЗ УЙДА ФАЙЗ БЎЛМАЙДИ

— Исми Санъатхон, андижонликман. **Ёшим 28 да.** Саккизга кирган ўғлим бор. Қўшни маҳаллага келин бўлгандим. Турмушим аввалига жуда яхши эди. Қайинсинглим холамининг ўғлига турмушга чиқиб, эри билан келишолмай, оиласи бузилди-ю, менинг ҳам тинчим йўқолди. Қизининг бахтсизлигига худди мен айбдордек, қайнонам арзимаган баҳоналарни топиб жанжал чиқараверди. Ота уйимда ҳали турмушга чиқмаган иккита синглим борлиги учун ҳаммасига чидашга ҳаракат қилдим. Қайнонам эса: “Қариндошинг қизимни бахтсиз қилдим, сени ҳам бу уйда яшашингга қўймайман”, деб очикчасига айтди. Охири бир куни сабр-тоқатим тугаб, отамникига қайтиб кетдим. Онаниннинг йўриғидан чиқолмайдиган, тайинли жойда ишламайдиган, боқиманда эрим ҳам ортимдан сўраб келмади. Шундан кейин бизнинг масаламиз маҳалла кўмитасида, кейин эса сунда бир неча марта муҳокама бўлди. Ниҳоят қонуний равишда ажрашдик.

— **Ўғлингиз ҳам катта бўлиб қолибди-ку, турмушга чиқишингизга қарши эмасми?**

— Файзсиз оиладаги бўлар-бўлмас жанжаллардан безиб қолган болам бечора отасиз ўсгани учунми, ойишон, қачон тинчгина ўзимиз яшаймиз, деб қуйнардим. Қолаверса, мен учун ўғлимнинг тарбиясида отаниннинг ўрни жудаям муҳим.

НАВБАТ АВВАЛ ОПАСИГА

Нозима билан сирдош дугонамиз. Бир-биримизни кўрмасак туролмаймиз. Яқинда суҳбатлашиб ўтирсак, синглиси Назокатга совчилар келаетганини, у эса: “Опадан олдин турмушга чиқмайман”, деб кўнмаётганини айтиб қолди. Назокат исми жусмига мос хушсурат қиз. Нозима эса бироз тўлароқ. Дугонам бўлса, “Синглимининг йўлини тўсиб турибман. Менинг кўнглимга қараб, у ҳам совчиларни қайтараяпти”, деб роса сиқилаяпти. Шу боис сизларга мурожаат қилияман, тақдир насиб этиб, дугонамининг ҳам бахти очилиб кетсайди. Нозима **25 ёшда.** Маълумоти ўрта махсус. Пазанда, ширинсўз қиз. У билан танишиб, турмуш қуришни ният қилган йигитлар бўлса, илтимос, хабар қилинг.

ЗУЛФИЯ,
Бухоро вилояти.

ОНАМГА СУЯНЧИҚ БЎЛСА...

Сизларга мактуб йўллаш ёки кўнғироқ қилиб боғланиш учун бир неча марта уриндим. Негадир журъатим етмади. Лекин, онамининг кечалари менга сездирмай, кўрпани бошига ўраб беркитиб йиғлаганларига кўп бора гувоҳ бўлдим. Дардлари ичида, ҳеч кимга ёрилмайди. Авваллари ёшлигимга борибми, ёки бошқа дўстларимга хавасим келганиданми, оий менинг дадам қаерда, деган саволларим ҳам жавобсиз қолар, секингина мени кучоқлаб, болам, отанг ўлган, деб кўярди. Уйимизда холаларим ва бувимнинг онамга қарата: “Нима, шу ёлғиз ўғлинг билан ёшгина умрингни ҳазон қилмоқчимисан. Бўлар иш бўлди, ўзингни ҳам ўйлагин ахир. Қолаверса, Қобилжонга ҳам ота меҳри сув ва ҳаводек зарур, эрга теги”, деган гаплари нақадар ҳақ эканлигини энди англаб етдим.

Очиғи, онамининг аввалги тақдири мен учун маъхум. Ҳатто шу кунгача ҳам отам ҳақида ҳеч қандай маълумот билмайман. На сурати бор, на бирор хабари. Хуллас, менга айтган гапларига ўзлари ҳам ишонмайдигандек туюлади. Менимча, дадам бизларни ташлаб кетган бўлса керак, деб ўйлайман. Нима бўлганда ҳам энди вақтни ортага қайтариб бўлмайди.

Ўтган йили коллежни тугатиб, Зарафшон шаҳридаги бир ташкилотга ишга кирдим. Ҳафтада бир марта уйга келаман. Қариндошларимиз бошқа шаҳарда яшашади. Шунинг учун ҳам доим онамдан хавотирда юраман. Яқинда бир дугонаси билан гаплашиб ўтирганида: “Эссиз, шунча йил умрим сувга оқиб кетди-я, агар ўғлим кўнса, турмушга чиқардим”, деган гапларини эшитиб қолиб, аввалига галати бўлиб кетдим. Кейин чуқурроқ ўйлаб кўрсам, ҳақиқатан ҳам у кишининг бу қарори тўғрига ўхшайди. Чунки мен ҳам энди ўз йўлимни топиш учун елиб-югураяпман. Кўпинча она-бола ҳафталаб бир-биримиздан йироқда яшаймиз. Шунинг учун ёнида бир инсофли, сирдош суянчиғи бўлса, бошидан кечган ғам-ташвишларини унутармиди, деган умиддаман. Онамининг **ёши 47 да.** Тайинли касб-кори бор, уйимизга файзу барака олиб қирадиган, меҳрибон инсон учраса, хабар қилсангизлар.

КОБИЛЖОН,
Навоий вилояти.

МУҲАББАТ НАФРАТГА АЙЛАНДИ

Севара опам билан Аҳрор ака ишхонада танишишган. Икки йил синашиб юриб, турмуш қуришди. Тўйдан икки кун ўтгач, опам йиғлаб уйга кириб келди. Маълум бўлишича, эри унга тўхмат қилиб, ҳайдаб юборибди. Онам билан келиноним дарҳол қуданикига етиб боришди. Куёвга опамнинг тарбияли, андишали қиз эканини ҳар қанча тушунтиришга уринишмасин, барибир у яшай олмаслигини айтибди. Унинг онаси ҳам ўғлингиз ёнини олди. Бу опам учун катта руҳий зарба бўлди.

Шундан сўнг опамни шифокорлар текширувиغا олиб боришди. Натижалар ижобий чиққач, опамнинг Аҳрор акага бўлган муҳаббати нафратга айланди. Ажрашишгандан кейин ишга шўнғиб кетди. Бирок, пок севгиси поймол бўлгани учун қалбига ҳамон оғриқ борлигини сезаман. Яхши инсонга турмушга чиқиб, бахтли ҳаёт кечиришини истаймиз. Севара опам **32 ёшда.** Уй-жойли, касби тайин, инсофли йигитлар учраса, овоз берсин.

ЧАРОС,
Наманган вилояти.

ТАХРИРИЯТДАН:

«Бахтли бўлинг» рукнига хат йўллаётган ёки бевосита мурожаат қилаётган фуқаролар паспорт нусхаси ва яшаш жойидан (маҳалла фуқаролар йиғинидан) маълумотнома тақдим этишлари шарт. Шунингдек, ажрашганлар бўлса, суд қарорининг нусхасини топширишлари талаб этилади.

МУРОЖААТ УЧУН ТЕЛЕФОН:
(8-371)234-25-46

БУГУННИНГ ЭРТАГИ

Кўп эртақ эшитардим,
Сўзлаб берарди бувим.
Эсимда ўша дамлар,
Ўзи учар гиламлар....

(Ҳамид Олимжон)

Энди "учар гиламлар"
Айланди ҳақиқатга.
Осмонларни забт этиб,
Чикди етти қаватга.


Сайёралар ораси
Бўлиб қолди бир қадам.
Ой тугул юлдузга ҳам
Бориб келмоқда одам.

Баҳайбат бир пўлат куш
Олиб юз-юз одамни,
Етказди бир зумда
Қай бурчига оламни.

Қилмоқ истасангиз гап
Сиз оламга саёхат.
Ойнаи ҳақон юзин
Очсангиз бўлди фақат.

Минг-минг қақиримдан сиз
Юзма-юз гаплашасиз.
"Бу уяли алоқа" —
Ушлаб қўясиз ёқа.

Ҳар биримиз бугун-чи,
Эртақдаги сеҳргар.
Ниманики истаса,
Дарҳол муҳайё қилар.

**Истеъдод**

Қайнар хумча дейсизми,
Ёхуд очил дастурхон.
Ё уртўқмоқ керакми?
Қафтда жумлаи жаҳон.

Эртақдаги айтилган
Бўрттирмалару лофлар.
Бари ҳозир ҳақиқат
Ҳар қадамда топилар.

Хулоса шу, донолар
Башоратчи эканлар.
Келажакни олдиндан
Кўра билган эканлар...

ОНАМ

Бошимизни суйиб силаган,
Меҳрибоним, фариштам онам.
Туну кунлар дуо айлаган
Саранжому сариштам онам.

Ҳаётимнинг чироғи сизсиз,
Бизга ибрат, намуна, кўзгу.
Юракларга меҳр сингдирган,
Энг улуг зот аслида сиз-ку!

Кузатиб туради ҳар маҳал,
Хайрат ичра синчков бир назар.
Эҳ, онажон, илдиэларингиз
Сингиб кетган томирга қадрар.

Жонсарагу, бизга парвона,
Сал оғрисак ташвишда онам.
Тиним билмас на кеча-кундуз,
На баҳор, ёз, на қишда онам.

**ХАЁЛ**

О, мусаффо осмон, бунчалар,
Нега кўксинг белоён, йироқ.
Ёки менинг қўлларим калта
Хаёлимда шу ўй, шу сўроқ.

Булутигнни тутволай десам,
Бўйим қисқа, қўлларим етмас.
Нечун сени кушлар забт этар,
Нега бўйим менинг бунча паст?

Осмонимнинг эркаси кушлар,
Қанот беринг, мен ҳам куш бўлай.
Тушларимда бўлса-да майли,
Фалак бағрин айланиб келай.

Қанча мушкул бўлса-да учмоқ,
Бир кун мен ҳам қоқаман қанот.
Ишонаман, орзум ушалар —
Бошгинамни силагай ҳаёт!

**Дурдона ШАРАФИДИНОВА,
Ўрта чирчиқ туманидаги 45-
умумий ўрта таълим
мактабининг 9-синф ўқувчиси.
Тошкент вилояти.**

**СПОРТ...СПОРТ...СПОРТ...****ҚОСИМЖОНОВ
РЕЙТИНГДА
ЮҚОРИЛАДИ**

Халқаро шахмат федерацияси дунёнинг энг кучли шахматчиларининг янги рейтинг жадвалини эълон қилди.

Мамлакатимизнинг энг кучли шахматчиси номини ўзида сақлаб келаётган Рустам Қосимжонов 2709 балл билан 41-поғонадан жой олди. Аввалги рейтингга нисбатан Рустам икки поғона юқорилаган.

Рустам Қосимжонов рейтингда юқорилашга эришган бўлса-да, Тошкент шаҳрида ўтаётган ФИДЕ Гран присида ҳали бирорта ғалабага эришгани йўқ. У тўққизинчи турда Борис Гельфанд билан дуранг натижа қайд этди.

ТАЙСОН ЯНА РИНГДА

Аввалги матбуот анжуманига сулпер оғир вазн тоифали британиялик боксчи Тайсон Фьюри оғзи скочланган ҳолда ташриф буюрган эди.

Бу билан, у ўз рақиби шаънига жангга қадр ҳеч қандай фикр билдирмасликни ишора қилган. Сабаби, ундан аввал Тайсон рақибига қўпол гапларни айтгани учун, Британия бокс уюшмаси уни 15 минг фунт жаримага тортилган эди. Лекин бу сафар, Фьюри ваъдасини бузди.

"Мен Чисорага ҳаётидаги энг катта жангни намойиш этаман. Агар у ўртаимиздаги биринчи учрашувни жанг деб ўйлаётган бўлса, унда 29 ноябрь кунини нималар рўй беришини тасаввур ҳам қилолмайди", деди Тайсон.

**КУЧЛИЛАР
ТЎҚНАШУВИ**

Бугун оқшом Европа Чемпионлар лигаси мусобақасининг гуруҳ босқичи 4-тур учрашувлари давом эттирилади.

Жумладан, Мюнхеннинг «Бавария» жамоаси ўз майдонида «Рома»ни, «Манчестер Сити» эса Москва-

нинг «ЦСКА» клубини қабул қилади.

Бундан ташқари куйидаги клублар ўзаро куч синашади:

ПСЖ – АПОЭЛ
Барселона – Аякс
Спортинг – Шальке-04
Марибор – Челси
Шахтёр – БАТЭ
Атлетик Бильбао – Порту
Барча учрашувлар Тошкент вақти билан 00:45 да бошланади.

**Интернет манбалари асосида
Илҳом ЖУМАНОВ тайёрлади.**

ЭЪЛОН!

Юнусобод туман ер тузиш ва кўчмас мулк кадастр хизмати томонидан Богистон кўчаси, 28-уйда яшовчи Ҳайдаров Анвар Маҳмудович номига берилган уй ҳужжатлари ҳамда 29.09.1995 йилда берилган васиятнома йўқолганлиги сабабли БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

ЙЎЛГА ТУТАШ БЎЛГАНДА

Маъсул ходимлардан бири катта йўл ёқасидаги иморат олдига уюлган шох-шаббаларни олиб ташлаш лозимлигини айтганида иморатнинг эгаси "Улар йўл бўйида эмас, йигирма метрча бериди-ку", деди. Ушбу ҳолатга доир бирор қонуний тартиб белгиланганми?

М. Лутфуллаев.

Ўзбекистон Республикасининг "Автомобиль йўллари тўғрисида"ги Қонунининг автомобиль йўлига туташ ер участкаларининг мулкдорлари, эгалари ва улардан фойдаланувчиларнинг мажбуриятларига доир 24-моддасида, жумладан, "Умумий фойдаланишдаги автомобиль йўлига туташ ер участкаларининг мулкдорлари, эгалари ва улардан фойдаланувчилар автомобиль йўли ўқидан эллик метрдан кам бўлган масофада тошлар, шох-шабба, конструкциялар ва бошқа материаллар тўпланишига йўл қўймасликлар шарт", деб белгилаб қўйилган.

Саволга Китоб тумани "Кафолат" адвокатлик бюроси адвокати Тошпўлат МУЗАФФАРОВ жавоб берди.

**ДАВЛАТ ҲИМОЯСИГА
ОЛИНГАН**

Одам савдосидан жабрланган болаларга қандай тартибда ижтимоий ёрдам кўрсатилади?
М. Камолова.

Ўзбекистон Республикасининг "Одам савдосига қарши курашиш тўғрисида"ги Қонунининг 11-моддасида белгиланганидек: Иختисослаштирилган муассасаларнинг раҳбарлари уларда одам савдосидан жабрланган болалар ҳақида маълумот пайдо бўлган тақдирда, қонун ҳужжатларига мувофиқ одам савдосидан жабрланган

болаларнинг ҳуқуқларини таъминлаш ва ҳимоя қилиш мақсадида бу ҳақда васийлик ва ҳомийлик органларига дарҳол хабар қилиши шарт.

Одам савдосидан жабрланган болалар ихтисослаштирилган муассасаларга жойлаштирилганда улар катта ёшдагилардан алоҳида туришлари керак.

Ихтисослаштирилган муассасаларга жойлаштирилган одам савдосидан жабрланган болаларга қонун ҳужжатларига мувофиқ давлат таълим муассасаларига қатнаш имконияти берилади.

Агар одам савдосидан жабрланган болалар ота-онаси қарамоғидан маҳрум бўлган бўлса ёки ўз оиласи турган жойдан беҳабар бўлса, уларнинг ота-онасини ёки ота-онасининг ўрнини босувчи шахсларни қидириш чоралари кўрилади".

Саволга Зангиота тумани 12-сонли ДНИ нотариуси Шухрат ЮСУПОВ жавоб берди.

**АЛОҚАЛАР
БУЗИЛМАЙДИ**

Бола ҳуқуқлари тўғрисидаги конвенцияда болаларнинг ўз ота-онаси билан яшаш ҳуқуқи қай тарзда кафолатланган? Шу ҳақда маълумот берсангиз.

Ж. Ҳамроев.

Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеяси томонидан 1989 йил 20 ноябрда қабул қилинган «Бола ҳуқуқлари тўғрисида конвенцияда: "Бола ота-онаси билан бирга яшаш ҳуқуқига эга, бундай яшаш боланинг энг яхши манфаатларига ҳалал берадиган ҳолатлар бундан мустасно. Бола, шунингдек, ота-онасининг биттаси ёки ҳар икковидан айрилган ҳолларда уларнинг иккаласи билан ҳам алоқаларини сақлаб қолиш ҳуқуқига эга», деб белгиланган.


**Саволга ҳуқуқшунос
Шерзод КАРИМОВ жавоб берди.**

Муассислар: Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси, «Болалар ва оилаларни қўллаб-қувватлаш» ассоциацияси (Болалар жағмармаси) ва «Соғлом авлод учун» халқаро хайрия фонди

Тахририятга келган кўлэмалар муаллифларга қайтарилмайди. Реплама материаллари мазмун учун тахририят жавобгар эмас.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмаҳонасида чоп этилди. Тошкент, Буюк Турон кўчаси, 41-уй. Босишга топшириш вақти – 15:00. Босишга топширилди – 15:00.

E-mail: oilavajamiyat@sarkor.uz



**Бош муҳаррир:
Норқобил ЖАЛИЛОВ**

Навбатчи муҳаррир — Ҳамроҳон МУСУРМОНОВА
Саҳифаловчи — Илҳом ЖУМАНОВ
Мусахҳилар — Саидгани САЙДАЛИМОВ,
Мадина АЛЛАБЕРГАНОВА

МАНЗИЛИМИЗ: Тошкент – 100000. Амир Темура кўчаси
1-тор кўча, 2-уй. Мўлжал: Олой бозори ёнида

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0169-рақам билан рўйхатга олинган. Буюртма Ғ – 1136. Формати А-3, ҳажми 2 табоқ. Адади – 5598. Баҳоиси келишилган нарҳда.

ОБУНА ИНДЕКСИ – 176

Қабулхона: (тел-факс) 233-28-20
Котибият: 233-04-35, 234-76-08
Мухбирлар: 233-04-50
«Оила» бўлими: 234-25-46

Web-site: oila-va-jamiyat.uz

123 5